

## Наманган ва Сурхондарё вилоятида инфратузилмасини ривожлантириш дастури юзасидан

Наманган ва Сурхондарё вилоятларида **ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш** дастури доирасидаги лойиҳаларга ажратилган маблағларни мақсадли сарфланиши ўрганилди.

Ўрганилган ҳудудлардаги ижтимоий соҳа, муҳандислик-коммуникация тармоқлари, йўл-транспорт инфратузилмаси, ирригация ва мелиорация объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлашга доир **2 140 та** лойиҳани молиялаштириш учун **2,8 трлн** сўм ажратилган.

Ўрганишлар натижасида қатор хато ва камчиликлар аниқланди.

***Мисол учун:** Қизириқ тумани Пахтакор қишлоқ кўчасини жорий таъмирлаш учун қиймати 1,2 млрд сўм маблағ молиялаштирилган бўлсада, битта жамият томонидан шартнома муддати (31.12.2022 йил) тугаган бўлишига қарамай 26.02.2023 йилга қадар қурилиш ишлари бошламаган.*

*Косонсой тумани А.Навоий МФЙ “Халқлар дўстлиги” кўчасининг 2 кмлик қисмига цемент-бетон қоплама ётқизиш ишлари бажарилмай **1,4 млрд сўмлик** ишлар қўшиб ёзилган.*

Ўрганишларда аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан масъул ижрочиларга **кўрсатмалар берилди**, қонунбузилиш ҳолатларига ҳуқуқий баҳо бериш учун ҳужжатлар Бош прокуратурага юборилди.